

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

УСМОНОВА НОДИРАХОН АКРАМОВНА

**«СУВ ОМБОРЛАРИ ҚУВУРЛАРИДАГИ ПУЛЬСАЦИЯ ВА КАВИТАЦИЯНИНГ
ШАКЛЛАНИШИ ДИНАМИКАСИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ»**

05.09.07 – Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Усмонова Нодирахон Акрамовна

Сув омборлари қувурларидаги пульсация ва кавитациянинг
шаклланиши динамикасини моделлаштириш..... 3

Усмонова Нодирахон Акрамовна

Моделирование динамики формирования пульсации и кавитации в
трубопроводах водохранилищ..... 21

Usmonova Nodiraxon Akramovna

Modeling the dynamics of the formation of pulsation and cavitation in
reservoirs..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 44

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

УСМОНОВА НОДИРАХОН АКРАМОВНА

**«СУВ ОМБОРЛАРИ ҚУВУРЛАРИДАГИ ПУЛЬСАЦИЯ ВА
КАВИТАЦИЯНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ДИНАМИКАСИНИ
МОДЕЛЛАШТИРИШ»**

05.09.07 – Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясини маъноси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2020.2.PhD\T1757 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фаргона политехника институтинда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (resumes)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tiasho.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Худайкулов Сават Ишмакулович
техника фанлари доктори, профессор.

Расмий ошловчилар:

Эшен Собир Саматович
техника фанлари доктори, профессор.

Шахматов Фаррух Шоакбарович
техника фанлари номоуди, доцент.

Етказчи ташкилот:

Ўзбекистон Фанлар Академияси
Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги
институтини

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва кишлук хўжалиғини механизациялаш муҳандислари институтини ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.10.02 рақамли илмий кенгашнинг "13" октябр 2021 йил соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтган (Манзил: 100000, Тошкент, Қори Нисий кўчаси, 39-уй.Тел: (99871) 237-09-71; Факс: (99871) 237-54-79, e-mail: adptil@tiasho.uz).

Диссертация билан Тошкент ирригация ва кишлук хўжалиғини механизациялаш муҳандислари институтини Ахборот-ресурс марказида таништириш мумкин (194 рақамли билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100000, Тошкент, Қори Нисий кўчаси, 39-уй. Тел: (99871) 237-19-45).

Диссертация автореферати 2021 йил «14» октябр кунин тарқатилади.
(2021 йил «14» октябр даги 194 рақамли реостр баённомаси)



Т.Э.Султонов
Илмий кенгашнинг берувчи илмий
котиби, т.ф.д., профессор

Ф.А.Гашиаров
Илмий кенгашнинг берувчи илмий
котиби, т.ф.д., профессор

Д.Р.Базаров
Илмий кенгашнинг берувчи илмий
котиби, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда сув омборлари, муҳандислик коммуникацияларидан ишончли фойдаланиш имконини берадиган технологиялар ва воситаларни қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Дунё миқёсида ушбу йўналишда, ривожланган давлатларда сув омборлар, гидроэлектростанциялар, гидроузеллар ҳамда сув чиқариш қувурларида кавитация ва пульсация натижасидаги бузилишнинг олдини оладиган иншоотларни лойиҳалашнинг самарали усуллари такомиллаштириш ва амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан, гидроиншоотлар қувурларидаги содир бўладиган эрозия, деформациянинг олдини олиш ва уларнинг ишончли эксплуатациясини таъминлаш имконини берадиган технологиялар, усуллар ва воситаларни қўллаш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда гидротехника иншоотларининг автоматик бошқаришни моделлаштириш қурилма, иншоотлари эксплуатацияси натижасида вужудга келадиган ва иншоотлар элементларига салбий таъсир этувчи кавитацион кучланишлар, тебраниш жараёнларини бартараф этиш бўйича илмий асосланган ҳисоблаш услубларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда жумладан, гидроиншоотлар қувурларидаги кавитация ва пульсациянинг шаклланиши динамикасини моделлаштириш, хавфсиз ишлашини таъминлаш учун босим пасайиши зоналарини башоратлаш орқали сув ўтиш жараёнини бошқариш технологияларини ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади. Бу борада муҳандислик қувурларидаги кавитация ва пульсация жараёнларининг шаклланиш динамикасини ўрганиш, унга информацион технологияларни қўллаш, фойдаланишга йўналтирилган тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда сув хўжалиги ва энергетика соҳасининг гидротехника иншоотларида кавитация ва пульсация жараёнларини бошқариш, ахборотлаш имконини яратувчи гидравлик ҳисоблашларнинг янги усуллари яратишга доир чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан “Муҳандислик-коммуникация ва инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш”¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, муҳандислик коммуникацияси ва сув омборлари қувурларидаги кавитация ва пульсациянинг шаклланиши динамикасини моделлаштириш, ҳисоблашнинг илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган назарий асослари ва усуллари ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 сентябрдаги ПҚ-3286-сонли “Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 9 октябрдаги ПҚ-4486-сон “Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кавитация жараёнини муҳандислик ва гидротехник иншоотларга таъсирини тадқиқот қилиш Н.П.Розанов, С.М.Слисский, И.С.Новикова, А.Г.Журавлев, А.Т.Ниеткалиев, А.В.Ефимовлар томонидан ўрганилган. Ўзбекистонлик олимлар Файзуллаев Ж.Ф., Латипов К.Ш., Хамидов А.А., Умаров А.И., Хужаёров Б.Х., Худайкулов С.И., Хўжаев И.К., Маликов З.М. ва бошқа бир қатор олимлар томонидан назарий ва амалий тадқиқотлар олиб борилган.

Қувурли муҳандислик коммуникациялари ва сув омборлари сув ўтказиш қувурлари, сув ташлаш иншоотларининг техник ҳолатини тадқиқ қилиш, сув чиқарувчи муҳандислик иншоотларининг техник ҳужжатлари билан танишишларнинг кўрсатишича, кавитация жараёни туфайли иншоотда тебраниш юзага келади. Бу тебранишлар оқим тезлигининг ортиши орқали суюқликдаги босимнинг буғ босимидан ҳам камайиб бориши оқибатида келиб чиқади. Оқибатда муҳандислик қурилмаларининг умумий ҳолатига ҳалокатли таъсир кўрсатади ва уларнинг мустаҳкамлик тавсифи камайиши юзага келади. Ушбу ҳолатларнинг олдини олиш ва конструктив ечимларини яратиш албатта зарурдир.

Ҳозирги вақтда муҳандислик коммуникациялари ва сув омборлари сув чиқариш тизими иншоотларида кавитация ҳосил бўлиши жараёнларини, дисперс аралашмаларнинг ўзаро аралашувчан ҳаракати ва кавитацион ҳодисаларни ахборотлаш усуллари бўйича тадқиқотлар ўтказиш зарурияти пайдо бўлади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ирригация ва сув муаммолари илмий тадқиқот институтининг илмий-тадқиқотлари режасининг ҚХ-А-ҚХ-2018-291 “Юқори босимли тўғонлардаги туташувчи оқимлар конструкциясини такомиллаштириш ва ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқиш” амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Каркидон сув омбори сув ўтказиш қувурлари ҳамда сув ташлаш иншоотларининг турли конструкцияли қисмларида

кавитация ва пульсациянинг шаклланишини математик моделлаштириш орқали такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

Каркидон сув омбори ва муҳандислик коммуникациялари сув ўтказувчи иншоотлари затворидаги резина зичлагичлардан катта тезликда чиқувчи оқимлар таъсирида кавитациянинг келиб чиқиш шартларини аниқлаш;

Каркидон сув омбори сув чиқариш тизимида кавитация бошланишини критик параметрлар усули бўйича башоратлаш тизимини яратиш, босим ва тезликнинг чегаравий мослигини энг мақбул усулларини топиш;

кўп фазали оқимда кавитация пайдо бўлишининг бошланғич интерваллари ва чегарасини ўрнатиш усулини ишлаб чиқиш;

сув омборларидаги юқори босимли уч фазали (сув, сузиб юрувчи элементлар ва ҳаволи оқим) оқимидан чиқувчи иншоотга ва гидроузелдаги сув ўтказгич йўналиши бўйича сиқилган кавитацион зонагача ҳаракатланишининг динамик моделини тузиш.

Тадқиқот объектлари сифатида Каркидон сув омбори ва фойдаланилаётган муҳандислик коммуникациялари қувурлари сув ташлаш иншоотларидаги кавитация ва пульсация жараёнлари олинган.

Тадқиқот предметини сув омборлари, муҳандислик қувурларида юзага келадиган пульсацияли ва кавитацияли оқимларнинг математик моделлари ташкил қилади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида назарий ва экспериментал тадқиқотларни амалга ошириш бўйича гидравлика, математик моделлаштириш усуллари, гидромеханика қонунлари асосида гидравлик моделлар тузиш ва уларни сонли ҳисоблаш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Навье-Стокс тенгламаси орқали сув омбори сув ўтказувчи иншоотлар затворидаги резина зичлагичлардан катта тезликда чиқувчи оқимлар таъсирида кавитацион жараённинг пайдо бўлишини аниқлаш усули ишлаб чиқилган;

сув омбори ва муҳандислик коммуникацияси қувурларидаги босим ва тезликни мос келиш чегараларини аниқлашнинг такомиллаштирилган усули Рейнольдс ва Фруд критерийлари асосида ишлаб чиқилган;

сув омборлари сув ўтказувчи қувурларидаги критик параметрларни ҳисобга олган ҳолда кавитация бошланишини башоратлаш усули ишлаб чиқилган;

сув ўтказувчи қувур конуссимон затворидаги оқим тезлигининг ўзгариши ўрганилиб, гидравлик параметрларни топиш учун аналитик ечим олинган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

назарий ва экспериментал тадқиқотлар натижалари асосида критик параметрлар усули бўйича Каркидон сув омбори сув ўтказувчи қувурларида кавитация бошланишининг алгоритми ва аниқлаш усули ишлаб чиқилган;

сув омборлари сув ўтказиш, сув чиқариш, сув ташлаш тоннеллари ва иншоотлари, тошқин шароитидаги сув ташлагичлардаги суюқликнинг ҳаракат тенгламаси олиниб, аналитик ечими ишлаб чиқилди;

Кавитация назарияларини қўллаш орқали сув омборлари ва муҳандислик қувурлардаги хавфли ҳудудлар аниқланиб, алмашилиб турувчи режимлардаги, тошқин вақтидаги сувни ташлаб юборишда хавфли ҳудудлардаги кавитация жараёнлари ривожланадиган жойларини аниқлаш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги кавитация бошланишини ахборотлаш бўйича фойдаланилган тенгламалар критик параметрлар усули бўйича масса, импульс ва энергиянинг сақланиши қонунлари асосида тузиб чиқилди. Олинган назарий натижаларни амалга оширилган экспериментал ва амалда ўтказилган тадқиқот натижалари билан таққосланганлиги ва тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти критик параметрлар усули бўйича кавитация бошланишининг алгоритми ишлаб чиқилди. Сув чиқариш, сув ўтказиш тоннеллари ва тошқин шароитидаги сув ташлагичларнинг суюқлик ҳаракати динамикасига мослиги аниқланиб, алгоритмини қурилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Каркидон сув омбори сув чиқариш қувуридаги ҳудудлар аниқланиб, алмашилиб турувчи режимлардаги, тошқин вақтидаги сувни ташлаб юбориш, хавфли ҳудудлардаги, кавитация жараёнлари ривожланадиган қисмлари аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сув омборлари қувурларидаги пульсация ва кавитациянинг шаклланиши динамикасини моделлаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

сув омбори затворларидаги резина зичлагичлардан сизиб турувчи оқимлардан кавитациялар пайдо бўлишини аниқлаш усули Каркидон сув омборида жорий этилган (Сув хўжалиги Вазирлигининг 2021 йил 28 январь № 04/20-326 сонли маълумотнома). Натижада, сув омбори сув ўтказгич қувурларида ҳосил бўладиган кавитация жараёнларини 1,2 мартага камайтириш имконияти яратилган;

сув омбори ва муҳандислик коммуникацияси қувурларидаги босим ва тезликнинг мос келиш чегараларини аниқлашнинг такомиллаштирилган усули Каркидон сув омборида жорий этилган (Сув хўжалиги Вазирлигининг 2021 йил 28 январь № 04/20-326 сонли маълумотнома). Натижада, сув омбори сув ўтказгич қувурларидан ишончли фойдаланиш имкони яратилган;

сув омборлари сув ўтказгич қувурларидаги критик параметрларни ҳисобга олган ҳолда кавитация бошланишини башоратлаш усули Каркидон сув омборида жорий этилган (Сув хўжалиги Вазирлигининг 2021 йил 28 январь № 04/20-326 сонли маълумотнома). Натижада, сув омбори сув ўтказгич қувурларида ҳосил бўладиган кавитация жараёнларини эрта аниқлаш ва уларнинг олдини олиш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 16 та илмий ишлар чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан 7 таси Республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 саҳифани ташкил қилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Диссертациянинг кириш қисмида Ўзбекистон Республикасида ва жаҳонда ўтказилган илмий тадқиқот ишлари асосида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асослаб берилган. Илмий ишнинг мақсади ва мақсадга эришиш учун асосий вазифалари шакллантирилган ҳамда тадқиқот объекти ва предмети аниқланган. Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, ишнинг илмий янгилиги ва асосий амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончилиги, илмий ва амалий аҳамияти ёритилган. Тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги ва диссертация тузилишига доир қисқа маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Муҳандислик коммуникациялари ва сув омборлари сув чиқариш тизими қувурларида пайдо бўладиган кавитацион жараёнларга доир адабиётлар шарҳи»** деб номланган биринчи бобида дисперс аралашмаларнинг ўзаро киришувчан ҳаракати ва кавитацион жараёнларни ахборотлаш усуллари берилган. Кавитацияни вужудга келтирувчи ғоваклашувнинг ривожланиш шакллари, босқич ва турларининг таснифи келтирилган.

Суюқликнинг ғоваклашуви ҳодисаси XIX асрдаёқ олимларнинг ишларида намоён бўла бошлаган. Эътиборни тортгани шу бўлганки, кемаларнинг тезлиги муайян айланишлар сонидан кейин, паррақларнинг катта ёки кичиклигига қарамасдан, тезлик ортмай қолаверган, винтлар (паррақлар) тез айлангани билан тезлик ортмаслиги ўйланишга мажбур қилган. Кавитация типлари келтирилган, кавитацияни келтириб чиқарувчи сабаблар бўйича бўлимлаштирилди. Шундан келиб чиқиб, кавитацияни гидродинамик ва акустик турларга ажратилди.


Суюқликлар ҳаракати ва акустика (товушларнинг таъсири) муҳандислик ечимларини қабул қилишда жуда муҳим ўрин эгаллайди. Биринчи ҳолда босим камайиши критик нуқтадан ўтгач, тезлик векторига нисбатан ҳаракат йўналиши ва шакли ўзгаради. Иккинчи ҳолда кавитация ҳосил бўлишига суюқликка тебрантирувчи таъсирлар сабаб бўлиб, буни гидроакустик станциялар иши мисолида тасаввур қилиш мумкин.

Айланувчи жисмнинг олд қисмида кавитациянинг ривожланиши олд (бурун) томонининг ўтмаслашган цилиндрсимон шаклига киришишидан аниқланади. Пуфаксимон кавитация цилиндрик ва шарсимон сиртлар устидаги максимал бўшлиқларга мос келадиган худудда келиб чиқади. Пўстсимон юпқа қатлам кавитацияси эса, оқим бўйича бир оз куйидан шаклланади. Баъзан юпқа қатламдаги пардасимон ягона белбоғчали каверна бир қатор доғчаларга ажралиб кетади (1-расм).




1-расм. Суюқликда айланувчи жисмни олд қисмида кавитациянинг ривожланиши

Айланувчи жисмнинг орт қисмидаги ривожланган кавитацияли оқимни эса оқимга кўндаланг ўрнатилган дискдан оқиб ўтувчи оқим ортида ҳосил бўлган майда пуфакчалар мисолида намоён қилиш мумкин. (2-расм).



2-расм. Айланувчи жисмни орт қисмидаги ривожланган кавитацияли оқимнинг вужудга келиши

Суюқликда ғовакликлар пайдо бўлиши ва ривожланишига унга газни йўналтириш (пуфлаш) билан ҳам амалга ошириш мумкин. Шунинг учун табиий ва сунъий кавитацияни ташқи таъсир остида ҳосил бўлувчи, яъни суюқлик билан ўзаро ҳаракатга киришувчи қаттиқ жисм орқали, сунъий оқимнинг айрим нуқталарига мажбуран йўналтириладиган газ таъсирида юз берувчи кавитацияларга ажратиш мумкин (3-расм).



3-расм. Кавитациянинг турлари:

а, б - ўткирлашиб борувчи нуқтали каверналар, с- кўндаланг уюрмали чилвир усулида газни тортиб олувчи каверналар

Назариядан маълумки, стационар оқим худудлардаги оширилган босимли оқимлардаги каверналарнинг ўлчамлари, оқиб турган оқим

худудидаги кавернларнинг ўлчамларидан фарқли бўлади. Бундай оқимлар қатламларида ҳосил бўлган каверналар ўткирлашиб борувчи нуқтали каверналар деб номланади. (3-(а,б) расм). Сунъий кавитация шароитида оқимга юборилган газ уюрмали кавернани тортиб кетиши туфайли, каверналарнинг шакли ўзгариб, 3-(с) расмдагидек кўндаланг уюрмали струя шаклига келиб, вақт ўтиши билан парчаланиб кетади.

Баъзи ҳолларда суюқликка газ аппарати киритилиб, қисман кавитация каверналарнинг оқим ортидан оқиши ҳаракатдаги газ аппаратининг маълум қисмида юз беради: корпусида эса, тизиллаб отилувчи суюқлик кўзга ташланади. Каверна оқим қайталанувчи струяли оқимга ўхшаб кетади (3-(с) расм). Тўғри, қайтувчи струяли оқимнинг геометрияси ва ўлчамлари турли кўринишда бўлиши мумкин. Оқимнинг оқимдаги айланувчи ёки кўзғолмас жисмни айланиб оқиши натижасида кавитациянинг уюрмали шакли вужудга келади. Уюрмали шакл айланувчи жисм ҳаракати катта бурчак остидаги (15...20⁰С) хужумланиш натижасида юз беради, бунда оқим билан бирга ҳаракатланаётган жисмдан интенсив уюрмалар узилиб чиқади.


Олиб борилган тадқиқотлар таҳлили асосида суюқликлардаги кавитация ходисаси бир фазали суюқликларда юз беради деб қаралган.

Диссертацияда биринчи маротаба реал шароитдаги суюқлик кўп фазали деб олиниб, яъни сувда нанослар, ҳар-хил тузлар қатнашиши ҳисобга олиниб, муҳандислик коммуникациялари ва сув омборларининг сув чиқариш тизими қувурларидан ишончли, яъни кавитациясиз фойдаланиш бўйича илмий изланишлар олиб бориш зарурлиги келтирилган.

Диссертациянинг **«Кўп фазали оқимларда пульсация ва кавитация пайдо бўлишининг бошланғич ораликлари ва чегараларини аниқлаш усуллари»** деб номланган иккинчи бобида ривожланган оқимнинг текисликдаги масаласи, абсолют босим усули бўйича оқимда кавитация бошланишини ахборотлаш, оқимда кавитация пайдо бўлиш жараёнини тезлик ва босим ўзгариши чегараси орқали топиш усуллари келтирилган.

Маълумки, аралашма оқими сув ва ҳаво аралашмасидан иборат бўлади. Оқимга ҳавонинг кириб бориши, асосан бўшлиқли юзалар орқали амалга ошиб, қатламлашув ҳосил бўлиши натижасида оқимнинг мунтазамлиги йўқолади, бу йўқолиш ҳаво қатламлари пайдо бўлиши оқибатида юз беради. Оқимда аэрациялашув бошланишининг мезони Рейнольдс, Фруд ва Вебер сонлари орқали аниқланади.

Аэрацияли оқим қувур затворидан оқаётган оқимнинг сиқилиши натижасида тезлик ва босимнинг ўзгариши, ҳавонинг паст босимли соҳага сўрилиши оқибатида ҳам пайдо бўлади.




4-расм. Затворни сиқилиш оралиғидаги босим тушиш коэффициентининг ўзгариши

4-расмда қувур затворининг сиқилиш оралиғидаги оқимда босим тушиш коэффициентининг ўзгариши натижасида кавитацион оқимнинг вужудга келишини белгиловчи чизиклар келтирилган бўлиб, бу чизиклар, 1- назарий ечимнинг чизиғи, яъни:

$$C = \frac{(p_1 - p_2) - p}{p_1 - p_2} = \left(\frac{h}{F}\right)^2 - \frac{p_2}{p_1 - p_2} = \frac{1}{\left(1 + \frac{x^2}{2Rh}\right)^2} - \frac{p_2}{p_1 - p_2} \quad (1)$$

(1) тенгламанинг ечими орқали олинган; 2 ва 3-экспериментал чизиклар эса, мос равишда $C_{\text{макс}}$ қувурнинг бош қисмига тўғри келувчи сиртдаги ва текис тубидаги босим коэффициентлари бўлиб, оқимнинг қувур бош қисми сиртидан ажралиш нуқтасига мос келади.

Сув чиқариш қувури бош қисмида кавитациянинг пайдо бўлишини ЎзФА Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти ва Фарғона политехника институти “Гидравлика” лабораторияси қурилмаларида олиб борилган тадқиқот натижалар орқали синаб кўрилган. Тадқиқот натижаларига асосан кавитацион жараёнлар Каркидон сув омбори сув ташлаш тизимидаги цилиндрик қувурнинг юқори қисмида жойлашган B нуқтасида вужудга келиши аниқланди (5-расм,6-расм).



5-расм. Чуқурлашган сув ташлаш қувурининг бошланиш схемаси

Сув ўтказувчи цилиндрик қувири бош қисми деворининг юқори қисмидаги босимни максимал тушиш C_{\max} - коэффициентининг қиймати $\frac{r}{a}$ - параметрга боғлиқ равишда ўзгаради. У ҳолда 5- расмга мувофиқ, $\frac{r}{a} = 1, C_{\max} = 1,87$ шартда ҳаракат тенгламасидан ва $H_{\text{хар}}$ - напор ва $\mathcal{G}_{\text{хар}}$ - тезликни олиш усулидан фойдаланиб, оқимнинг узлуксизлиги туфайли эгри чизикли қувур бош кириш қисмининг B - нуқтасида кавитация пайдо бўлиши қуйидаги шартнинг бажарилиши орқали содир бўлишини топамиз: (5-расм)

$$H' + H_a - \frac{g^2}{2g} - \zeta_{\text{ex}} \frac{g^2}{2g} - C_{\text{цб}} \frac{g^2}{2g} - C_{\text{турб}} \frac{g^2}{2g} \leq 0 \quad (2)$$

бу ерда: \mathcal{G} - оқимнинг қувурдаги ўртача тезлиги, ζ_{ex} - оқимнинг қувурга киришидаги қаршилик коэффициенти, $C_{\text{цб}}$ - марказдан қочма кучлар таъсирида босим камайиш коэффициенти.

Критик ҳолат учун (2) тенгсизликни қуйидаги кўринишга келтираемиз:

$$H' + H_a - (1 + \zeta_{\text{ex}} + C_{\text{цб}} + C_{\text{турб}}) \frac{g^2}{2g} \leq 0$$

ёки:

$$H' + H_a - K_{\text{кр}} \frac{g^2}{2g} \leq 0 \quad K_{\text{кр}} = (1 + \zeta_{\text{ex}} + C_{\text{цб}} + C_{\text{турб}}) \quad (3)$$

бу ерда: H_a - атмосфера босим; $K_{\text{кр}}$ - кавитациянинг критик қиймати.

Напор ўзгаришининг кинетик энергияга нисбатини қуйидагича белгилаймиз:

$$K = \frac{H' + H_a}{\frac{g^2}{2g}} \quad (4)$$

У ҳолда кавитациянинг бошланишини характерловчи шартларни киритиб:

$$H' = H_{\text{кав}} \text{ ва } \mathcal{G} = \mathcal{G}_{\text{хар}}, \quad (5)$$

қуйидаги тенгсизликка келамиз:

$$\frac{H' + H_a}{\frac{g^2}{2g}} = K \leq K_{\text{кр}} = 1 + \zeta_{\text{ex}} + C_{\text{цб}} + C_{\text{турб}}$$

Бу тенгсизликни қуйидагича ёзишимиз мумкин:

$$H' + H_a - C_{\max} \frac{g^2}{2g} \leq 0 \quad (6)$$

(5) тенглик ва юқоридаги шартлардан оқимнинг қувурдаги ўртача тезлиги учун қуйидаги формулага келамиз:

$$v = \mu \sqrt{2g \left(H' + \frac{a}{2} \right)}$$

босим ўзгаришини текшираамиз:

$$H' + H_a + C_{\max} \mu^2 \left(H' + \frac{a}{2} \right) \leq 0 \quad (7)$$

Агар, $\frac{a}{2} \ll H'$ бўлса амалий масалалар $H' > 20\text{м}$ маънога эга бўлади, босим ўзгариши қуйидаги тенгсизлик орқали аниқланади:

$$H' (1 - C_{\max} \mu^2) + H_a \leq 0 \quad (8)$$


ёки

$$H' \leq \frac{H_a}{1 - C_{\max} \mu^2}$$

(8) тенгсизлик $H' > 0$ шартда маънога эга бўлади ва қуйидагича ёзилади:

$$(1 - C_{\max} \mu^2) \leq 0 \quad \text{ёки} \quad (C_{\max} \mu^2) > 1 \quad (9)$$

Бу (9) тенгсизлик C_{\max} - босим пасайиши коэффициентини ва μ - динамик ёпишқоқлик коэффициентига боғлиқ бўлиб, Каркидон сув омбори сув ташлаш қувури бош қисмида кавитация бошланишини ёки турли напорда ҳам бошланмаслигини ифодалайди (6-расм).



6-расм. Қувур бош қисмида кавитациянинг бошланиш схемаси

Қаралаётган масала, яъни Каркидон сув омбори сув ташлаш қувурининг бош қисмидаги оқими учун қуйидаги қийматга келинди:

$$C_{\max} \mu^2 = 1,87(0,72)^2 = 1,08 > 1$$

Демак, Каркидон сув омбори сув ташлаш қувурининг бош қисми оқимида кавитация жараёни пайдо бўлиши мумкин. Кавитация пайдо бўлиши учун зарур напор топилди:

$$H' + H_a - C_{\max} \mu^2 \left(H' + \frac{a}{2} \right) = H' + 10,3 - 1,87 \cdot 0,76^2 (H' + 2) \leq 0$$


Бу тенгсизликдан кавитацияни пайдо қилувчи напорнинг қиймати аниқланди:

$$H' \geq 68\text{м}$$


Бундан ташқари муҳандислик коммуникацияларидаги сув узатиш тизимида кавитация бошланишини ахборотлашнинг бошқа усуллари ҳам келтириш мумкин. Кавитация жараёни бошланишини бошқариш ва ахборотлашнинг энг муҳим усулларида бири критик параметрлар усули ҳисобланиб, бу усулда кавитация параметрининг критик қиймати орқали кавитациянинг бошланиш жараёни баҳоланади ва кавитация жараёнининг бошланмаслиги (3) ва (4) тенгсизликлар орқали текширилади.

Агар $H_{\text{хар}}$ характерли босим ва характерли тезлик $\mathcal{G}_{\text{хар}}$ тўғри олинса, кавитация параметри $K_{\text{кр}}$ асосан муҳитнинг қаттиқ чегарасига боғлиқ равишда ўзгаради. Агар муҳитнинг қаттиқ чегарасида кавитациянинг пайдо бўлиши учун шароит яратилса, кавитация параметри $K_{\text{кр}}$ турли қийматларни қабул қилади. Кавитация сони $K_{\text{кр}}$ нинг бу қийматлари сув ташлаш иншооти конструкциясини мослашга хизмат қилади ва муҳандислик ҳисобларини соддалаштиришга асос бўлади. Сув ташлаш иншоотининг ҳар бир элементи учун мос келувчи $H_{\text{хар}}$ ва $\mathcal{G}_{\text{хар}}$ оптимал қийматларни топиш (7) формула орқали амалга оширилиб, алгоритми тузилди. Кавитация қувурдаги маълум нуктадаги босим буғ босимидан кам бўлган B нуктада содир бўлиб, (5) тенгсизлик орқали топилди. 7-расмда Каркидон сув омбори қувури бош қисмига киришдаги айланма оқимда босим пасайишининг максимал коэффицентини тўғри бурчакли ва доиравий қувурлардаги ишчи ҳолати келтирилди.

а)



б)



7-расм. Каркидон сув омбори қувури бош қисмига киришда $C_{p,\max}=f(k_p, k_3)$ функциянинг ўзгариши:

а - тўғри бурчакли қувурларда, б - доиравий қувурларда

Келтирилган усуллар натижасини сув омборлари юқори босимли сув чиқариш қувурларидаги уч фазли суюқликларнинг динамик ҳаракатига ҳам қўллаш мумкин бўлади.

Диссертациянинг «Сув омборлари ва муҳандислик коммуникациялари сув ташлаш қувурларидаги юқори босимли уч фазали суюқликларнинг динамик ҳаракати модели» деб номланган учинчи бобида текис затворлар пазидаги оқимнинг кинематик структураси ўрганилди. Пазнинг юқори a қовурғасидан пастга қараб уюрмали оқим массаси оқиб тушади. Оқиб тушаётган бу оқим массаси чегарадаги транзит ва пазда стационар бўлган бир неча дискрет уюрмаларга бўлиниб кетади. Уюрмалар массаси ҳаракати давомида ва ташқаридан суюқликнинг кириб келиши ҳисобига ўз қалинлигини оширади. Уюрма трубканинг диаметри d_τ , тезланиши a_τ , тезлиги \mathcal{G} ва координатаси x_τ : бирор τ - моментдаги уюрма трубка оғирлик марказининг ҳаракати қуйидаги тенгламалар системаси орқали ёзилади:

$$\left\{ \begin{array}{l} d_\tau = d_n + 0,12\mathcal{G}\tau; \\ a_\tau = 0,216\mathcal{G} \frac{d_n^2}{(d_n + 0,12\mathcal{G}\tau)^3}; \\ \mathcal{G}_\tau = \mathcal{G} \left[1 - \frac{0,9d_n^2}{(d_n + 0,12\mathcal{G}\tau)^2} \right]; \\ x_\tau = \mathcal{G}\tau + \frac{7,5d_n^2}{(d_n + 0,12\mathcal{G}\tau)} - 7,5d_n; \\ x_\tau = 7,5d_n \left[1,11 \left(\sqrt{\frac{0,9}{1 - \frac{\mathcal{G}_\tau}{\mathcal{G}}}} - 1 \right) + \frac{1}{\sqrt{\frac{0,9}{1 - \frac{\mathcal{G}_\tau}{\mathcal{G}}}}} - 1 \right] \end{array} \right. \quad (10)$$

бу ерда: \mathcal{G} - оқимнинг сув ўтказгичдаги ўртача тезлиги; a_n - уюрмали оқимнинг қалинлиги бўлиб, пазнинг юқори қисмидан ажралиш вақтидаги қалинлигига тенг бўлади. Агар тезликни оширсак, кавитация сонининг катталиги чегаравий қатламнинг δ - қалинлигига тенг бўлади. a_n - қиймати оқим тубига яқин қисмидан ҳисобланиб, юқори қовурғадан ажралиш нуқтасидан олинади. Уюрмали оқимнинг олд томони транзит оқим билан тутшиб, \mathcal{G} тезликнинг горизонтал ташкил этувчисини ташкил этиб, массаси стационар уюрманинг массасига тенг бўлади. Стационар массага тенг бўлган нуқтадаги тезлиги $0,2\mathcal{G}$ га тенг бўлади.

Кавитациянинг қалинлашиш ҳажми эса, пастки қовурғадан ортиб бориб, маълум чегарагача ўзгаради ва пазнинг ичкари қисмида ҳеч қандай ўзгариш сезилмайди. Лекин бирор моментдан сўнг кавитацион булут

стационар уюрманни чегараловчи транзит струя орқали пазда ҳосил бўлади. Кавитациянинг кейинги ортиб бориши ҳисобига паздаги кавитацион булутнинг зичлиги ортиб боради. Агар пастки қовурғани силлиқ оқиб ўтувчи қилинса, бунинг ҳисобига оқимнинг узилишига эришилса, кавитация уюрманнинг оқимида аввалроқ пайдо бўлади. Пайдо бўлган уюрма юқори қовурғадан оқиб тушади.

Затвор пазларидаги кавитация параметрларини (3) формула орқали ҳисоблашда: $H_{II} = H_{кав}$, деб қабул қилинади, яъни паздаги босим сув ўтказувчи қувур қирқимининг пьезометрик босимига тенг деб олинади ва пазнинг шу қирқимида жойлашади. Паз босимининг H_{II} таъсири ҳисобга олинмайди ва $Q_{хар} = Q$ - тезлик сув ўтказгичдаги ўртача тезликка тенг деб олинади. Затворнинг бошқа элементларига боғлиқ бўлмаган пазининг критик параметрлари, қуйидаги тенгламалар орқали ҳисобланади:

Пазнинг юқори қобирғаси учун:

$$K_{кр.в.} = K_y K_d \left[1 + 0,65 \left(\frac{l_{II}}{h_{II}} - 1 \right) \right] \quad (11)$$

бу ерда:

$K_{кр.в.}$ - оқим пазга яқинлашуви олдидаги чегаравий қатламнинг δ - қалинлигига таъсир этувчи коэффициент:

$$K_y = \begin{cases} 1 & \text{агар } \delta \leq 0,12l_{II} \\ 0,12l_{II} & \text{агар } \delta > 12l_{II} \end{cases} \quad (12)$$

Пастки қовурғанинг пасайиш коэффициенти:


$$K = \begin{cases} 0,6 + 3,3 \frac{d}{l_{II}} \\ 1, \notin \left(0,6 + 3,3 \frac{d}{l} \right) \end{cases} \quad (13)$$

Пазнинг пастки чегараси учун:

$$K_{кр.н.} = AK_l K_B \left[1 + 0,65 \left(\frac{l_{II}}{h_{II}} - 1 \right) \right] \quad (14)$$

бу ерда:

A - коэффициент; K_l - пазнинг нисбий кенглик коэффициенти; K_B - сув ташловчи иншоотнинг нисбий баландлиги. A , K_l , K_B - параметрлар пазнинг чизмаси орқали топилади (8-расм).



8-расм. Сув иншооти пазидаги уюрмалар тўпламининг кенгайиши

(6) ва (9) формулалар $1 \leq \frac{l_{\text{п}}}{h_{\text{п}}} \leq 3$, шарт бажарилганда маънога эга бўлади ва барча қаралаётган пазларнинг ўлчовларини беради. Демак, кавитациянинг қалинлашиш ҳажми пазнинг геометриясига, паздаги кавитацион булут зичлигига ва сув ўтказгич трактидаги лойиҳавий тўсиқлардан оқувчи суйри оқимининг динамик моделига боғлиқлиги аниқланди.

Диссертациянинг «**Каркидон сув омбори сув ўтказгич трактининг лойиҳавий тўсиқлар орқали суйри оқимининг динамик модели**» деб номланган бобида Каркидон сув омбори сув ўтказиш тракти сув ташлаш қувуридаги оқимнинг лойиҳавий тўсиқлардан айланиб оқиши натижасида кавитациянинг пайдо бўлиши, кавитацион эрозия ва унинг олдини олиш ёритилган.

Каркидон сув омбори сув ташлаш иншоотининг кавитацион ҳавфсизлигини таъминлашда кавитациянинг параметрларини аниқлаш усулини қўллаш кўриб чиқилди. Бунда Каркидон сув омбори сув ташламаларидан фойдаланиш амалиётида кавитация бошланишининг $\beta > 0,85$ босқичида ва оқим тезлиги 30 м/с гача бўлганда бетон қопламаларининг сиқилувчанлик мустаҳкамлиги $R \geq 30 \text{ МПа}$ бўлганда инкубацион давр давомийлиги ноаниқ муддатгача узоқ давом этиши мумкин. Бу ҳолат сув ташламадаги K кавитация сонининг ўзгариш оралиғига боғлиқ бўлиб, қуйидаги шарт орқали аниқланади:

$$K_{\text{эп}} < K < K_{\text{кр}} \quad (15)$$

бу ерда: $K_{\text{эп}}$ - ўлчовларнинг минимал қиймати, бунда кавитация кузатилади, емирилиш эса қайд этилмайди, (8) формула бўйича $K_{\text{эп}} = 0,85K_{\text{кр}}$ аниқлаш тавсия қилинади. Унда (15) шарт қуйидаги кўринишни олади

$$0,85K_{\text{кр}} < K < K_{\text{кр}} \quad (16)$$


$K_{\text{эп}}$ нинг қиймати синовлар натижалари бўйича олинган бўлиб, кавитация шароитидаги емирилишнинг юз бермаслиги 2-3 суткадан ортмайди.

Иншоотда кавитация келиб чиқишини ахборотлашнинг дастлабки тезлик усули. Бу усулга кўра иншоотнинг кавитациясиз ишлаши оқимнинг сув кириш остонасидаги дастлабки - $\mathcal{G}_{ост}$ тезлигига боғлиқ бўлади. Остонадаги тезликнинг қиймати 48 соат давомида ҳар қандай шаклдаги кўзғатгичда кавитациянинг юзага келишига сабаб бўлиб, сув кириш остонасида емирилиш бўлмаслигини таъминловчи шарт орқали топилади. Гидроиншоотни сув тушиш остонасининг бетон - R қопламасида τ -соат мобайнида емирилиш бўлмаслиги тезликнинг $\mathcal{G}_{хар_{np}}$ остонадаги дастлабки қиймати орқали қуйидагича аниқланади:

$$\mathcal{G}_{хар_{np}} = \mathcal{G}_{пор} \left(\frac{48}{\tau} \right)^{\frac{1}{10}} \quad (17)$$

Бу усул аэрация даражасининг ортиши натижасида материалнинг ҳимоя қатлами хоссаларини сақланишига ва иншоотнинг узок муддат ишлашига имкон беради.

Дастлабки тезликнинг \mathcal{G} бетон қопламаси мустаҳкамлиги ва аэрация ϕ' %, даражасига боғлиқлиги қуйидаги $\phi' = \frac{Q_{хаво}}{Q_{суб}} \cdot 100$ формула орқали берилади.



9-расм. Дастлабки тезликнинг бетон -R қопламаси мустаҳкамлиги ва аэрация даражасига боғлиқлиги графиги

9-расмдаги маълумотлар кавитациянинг икки ўлчамли $a \times h = 26 \times 160 \text{ мм}$, диаметри $d = 28 \text{ мм}$ бўлган цилиндрик қопламага бўлган таъсири натижасидаги емирилиши тадқиқотлари бўйича олинган. Оқимнинг цилиндр орти чегарасида \mathcal{G}_d - тезликнинг оқиш вақтида характерли тезлик $\mathcal{G}_{хар}$ пайдо бўлиши ва гидроиншоотлар элементлари учун кавитацион емирилиш пайдо бўлишини кўрсатади.

Кавитация туфайли емирилмайдиган конструкцияларни қўллаш. Маълумки, суюқлик бевосита емирилатган юзага тегиб турган ёки унинг яқинидаги бир неча миллиметрли сув қатламларида пуфакчаларни чақиради. Уюрмали оқим зонасидаги оқимнинг суйриланиши натижасида оқимда

йиғилган кавитацион пуфакчалар қоплама юзаси билан ўзаро тегиб турмайди, яъни юза емирилмайди. Бу ҳолатлар эрозиясиз энергия сўндирувчилар деб аталади ва амалиётда қўлланилади.

Ҳозирги пайтда затворлар пўлат қопламалардан фойдаланилиб ясалмоқда. Пўлат қопламнинг энг самарали эрозиясиз қопламаси сунъий ғадир-будирлик билан қоплангани, пўлат учликлар барпо қилинганидир. Ғадир-будирлик элементлари бурчакларининг баландлиги $\Delta h = 0,1 - 0,2$ м га тенг қилиб олиниб, узунлиги $l_u = (5 - 6)\Delta h$ бўлади. Бундай ғадир-будирликларнинг қўлланилиши конструкциянинг туби ва деворлар юзасидаги тезликни камайтиради. Бевосита ҳар бир ғадир-будирликлар ортидаги узилишлар худуди яхши аэрацияни таъминлайди ва узилиш худудларида пўлат қопламалар билан контактлар бўлмаслигини кафолатлайди. Бундай конструкцияларни қўллашнинг афзаллиги – оқим кириш остонасида эрозиянинг содир бўлмаслиги туфайли емирилишлар камайишига олиб келади.

ХУЛОСАЛАР

«Сув омборлари қувурлардаги пульсация ва кавитациянинг шаклланиши динамикасини моделлаштириш» мавзусидаги фалсафа (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди.

1. Ёпишқоқ суюқликларнинг сиқилмайдиган аралашмаларини бурама оқимларида масаланинг таҳлилий ечимини олиш мақсадида Навье-Стокс тенгламаси келтирилди.

2. Оқим билан сувнинг эркин юзадаги ҳавони эгаллаш механизми икки хил тушунтиришларга эга бўлиши мумкин:

- оқимдан олинадиган сув томчисининг кинетик энергияси суюқлик юзадаги тортишиш ва оғирлик кучи ишидан кўп бўлганида, сув томчисининг эркин юзадан уюрмали ташлаш юз беради ва сув кавернанинг юзасидаги ҳавони сўриб чиқаради;

- ҳар иккала режимларда оқим буралишининг секинлашиши бошланғич участкада интенсив юз беради.

3. Турли режимлар учун гидравлик йўқотишлар турлича ва буралмаларда гидравлик йўқотишларни кўпайиши унинг ортикча энергиясини самарали сўндиришга имкон беради.

4. Кавитация ҳосил бўлишининг олдини олиш мақсадида оқимларни мўътадиллаштириш учун уюрмали оқимлардан фойдаланиш мумкин.

5. Оқимнинг уюрмада айланишида ўтказиш имконини пасайиши юз беради, шунга қарамадан бунда шахтали уюрмали сув ташлагичларидан фойдаланилади, уларда муайян айланишни олган оқим ядро ўқида ҳам айланишни давом эттиради ва ҳаволи ядро шаклланади.

6. Турбулентлик режимидаги нисбий радиал тезлик ламинар тезликка нисбатан кам. Гидравлик параметрларнинг турли қийматларида оқимда босимларнинг тақсимланиши ва уларнинг энергиялари аниқланди.

7. Оқимнинг ламинар ва турбулент ҳаракатидаги оқимда уюрманинг айланиши сўниши жуда интенсив ўтади. Бошланғич участкадаги тангенциал тезликнинг кўпайиши билан оқим тезлиги ортади ва тоннел деворининг кавитацион хавфсизлиги таъминланади.

8. Илмий тадқиқот иши натижалари Каркидон сув омбори сув чиқариш ва сув ташлаш қувирида вужудга келган кавитация ҳодисасини аниқлашда ҳамда сув омборидан хавфсиз ва самарали фойдаланишда ишлатилмоқда (Фарғона вилояти сув омборларидан фойдаланиш бошқармасининг 2020 йил 30 июлда тузилган далолатномаси);

9. Диссертация бўйича бажарилган тадқиқотнинг илмий натижаларидан Фарғона политехника институти «Насослар», «Суюқлик ва газлар механикаси» фанлари бўйича ўқув дастурини, маъруза матнини тайёрлашда ва ўқув услубий мажмуани ишлаб чиқишда фойдаланилди (26.08.2020 йил далолатнома тузилган).

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSC.03/30.12.2019.Т.10.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ
ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО
ХОЗЯЙСТВА**

ФЕРГАНСКИЙ ПОЛИТЕХНИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

УСМОНОВА НОДИРАХОН АКРАМОВНА

**«МОДЕЛИРОВАНИЕ ДИНАМИКИ ФОРМИРОВАНИЯ ПУЛЬСАЦИИ
И КАВИТАЦИИ В ТРУБОПРОВОДАХ ВОДОХРАНИЛИЩ»**

05.09.07 – Гидравлика и инженерная гидрология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В 2020.2.PhD/T1757

Диссертация выполнена в Ферганском политехническом институте
Аннотация диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tiame.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:	Худайкулов Совет Ишанкулович доктор технических наук, профессор.
Официальные оппоненты:	Эшик Собир Саматович доктор технических наук, профессор. Шайхон Фаррух Шайхбарович кандидат технических наук, доцент
Ведущая организация:	Институт механики и себестоимости сооружений АН РУУ.

Защита диссертации состоится «29» октября 2021 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета ДSc 27.06.2017.Т.10.02 при Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Кара Никий, 39, (99871) 237-09-71; факс: (99871) 237-54-79, e-mail: admin@tiame.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (регистрационный номер 194) Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Кара Никий, 39, Тел. (99871) 237-19-45; e-mail: admin@tiame.uz).

Аннотация диссертации размещена «14» октября 2021 года
(реостр протокола рассылки № 194 от «14» октября 2021 года.)



Т.З. Султонов
Президент Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.т.н., профессор

Ф.А. Ганшаров
Ученый секретарь научного
совета по присуждению ученых
степеней, д.т.н., доцент

Д.Р. Базаров
Председатель научного семинара
при научном совете по
присуждению ученых степеней,
д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Одной из актуальных задач в мире является изучение динамики формирования процессов кавитации и пульсации происходящих в трубопроводах инженерных коммуникаций и водохранилищах, применение к ним информационных технологий. Во многих развитых странах мира, особое внимание уделяют разработке эффективных методов проектирования сооружений с учетом кавитации и пульсации в гидроэлектростанциях, гидроузлах, а также водовыпускных трубопроводах, предотвращению эрозии, деформации формирующейся в трубопроводах, обеспечению их надежной эксплуатации и совершенствованию гидравлических расчетов. В связи с этим, особое значение имеет моделирование динамики формирования кавитации и пульсации в трубопроводах гидросооружений, разработка методов расчета основанных на информационных технологиях определения начальных промежутков и границ возникновения пульсации и кавитации в многофазных потоках.

По всему миру особое внимание уделяется проведению целенаправленных научно-исследовательских работ по предотвращению кавитационных напряжений, вибрационных процессов, возникающих в результате эксплуатации сооружений, которые отрицательно влияют на элементы сооружений устройств автоматического управления гидротехническими сооружениями. Наряду с этим, огромное значение уделяется проведению целевых научно-исследовательских работ направленных на изучение динамики формирования кавитационных и пульсационных процессов в инженерных трубах, и применение к ним информационных технологий и эксплуатацию.

В Республике осуществляются мероприятия касательно создания новых методов гидравлических расчетов создающих возможность информирования, управления процессами кавитации и пульсации на гидротехнических сооружениях в сфере водного хозяйства и энергетики. В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены задачи по «...Реализации целевых программ по развитию, а также модернизации инженерных коммуникаций и инфраструктуры»¹. Исходя из данных задач, одной из важных является проведение научно-исследовательских работ, направленных на разработку теоретических основ и методов, имеющих научное и практическое значение моделирования и расчета динамики формирования кавитации и пульсации в инженерных коммуникациях и трубопроводах водохранилищ.

Данное диссертационное исследование в определенной степени повлияло на выполнение задач, предусмотренных в Постановлении Президента Республики Узбекистан от 25 сентября 2017 года за № ПП-3286

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. УП-4947 «Стратегия действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

«О мерах по дальнейшему совершенствованию системы охраны водных объектов», от 9 октября 2019 года за № ПП-4486 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы управления водными ресурсами», а также в других нормативно-правовых документах, касающиеся этой деятельности.

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данные исследования выполнены в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии Республики V. “Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды”.

Степень изученности проблемы. Согласно обзору литературы, научно-технические исследования по влиянию кавитации на инженерные и гидротехнические сооружения проводились Н.П.Розановыми, С.М.Слисский, И.С.Новиковой, А.Г.Журавлевым, А.Т.Ниеткалиевым, А.В.Ефимовым, узбекскими учеными Ж.Ф.Файзуллаевым, К.Ш.Латиповым, А.А.Хамидовым, А.И.Умаровым, Б.Х.Хужаёровым, С.И.Худайкуловым, И.К.Хужаевым, З.М.Маликовым и другими.

Как показывает исследование технического состояния проводящих трубопроводов инженерных коммуникаций и водохранилищ, водопроводящих трубопроводов и водосбросных сооружений, ознакомление с технической документацией водовыпускных инженерных коммуникаций, происходит колебание в сооружении в связи с кавитационным процессом. Эти колебания происходят в результате понижения давления жидкости ниже парового давления, за счет повышения скорости потока. В результате, вибрационный процесс разрушительно воздействует на общее состояние инженерного оборудования и происходит снижение их прочностных характеристик. Особое значение необходимо придать предотвращению данных ситуаций и конструктивное решения.

В связи с этим, возникает необходимость проведения исследований по методам информирования процессов формирования кавитации в инженерных коммуникациях и сооружениях системы водовыпусков водохранилища, взаимосмешиваемого движения дисперсной смеси и кавитационных явлений.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими планами научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация.

Диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно-исследовательских работ Научно-исследовательского института ирригации и водных проблем по теме КХ-А-КХ-2018-291 «Разработка методов расчета и совершенствование конструкций сопрягающих сооружений высоконапорных плотин».

Целью исследований является совершенствование метода информирования путем математического моделирования формирования кавитации и пульсации в различных конструктивных частях водопроводящих трубопроводов и водовыпускных сооружениях водохранилища.

Задачи исследований:

определены условия возникновения кавитации при протечках жидкости под оголовки резинного уплотнения высоконапорных затворов Каркидонского водохранилища и инженерных коммуникаций;

